



“ 31 ” март 2020у № 6

**Корхона ва ташкилотлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш
ва сотишга йўналтирилган харажатлар таркибининг бир марталик
танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ҳамда кузатув
сўровномаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 691-сон қарори ижросини таъминлаш ва “Харажатлар – Ишлаб чиқариш” жадвалларини тузишни такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Корхона ва ташкилотлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга йўналтирилган харажатлар таркибининг бир марталик танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби 1-иловага мувофиқ;

иқтисодий фаолият турларига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган 1-харажат “2019 йил учун корхонанинг маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини кузатиш сўровномаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 27 майдаги “Харажатлар – Ишлаб чиқариш жадвалларини тузиш учун пилот шаклида танланма кузатувни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 8-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб кучга киради.

Раис

Б. Бегалов